



## EDUCATIONAL AND METHODOLOGICAL OPPORTUNITIES FOR THE FORMATION OF PROFESSIONAL SKILLS IN VOCATIONAL EDUCATION

Farhod Ruziev

Chief Specialist of the Center for e-learning in educational institutions under the Ministry of Higher and Secondary Special Education. Doctor of Philosophy in Pedagogy (PhD)

### Annotation:

The article analyzes the educational and methodological opportunities for the formation of professional skills in the preparation of mid-level specialists in the vocational education system, taking into account the requirements of the international labor market.

**Key words:** qualifications and skills, educational practice, labor market, vocational training, educational content, educational material, obtaining information.

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида” меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш тизимини кенгайтириш вазифалари белгиланган. Натижада халқаро меҳнат бозори талаблари, интеграцион жараёнларнинг жадаллашуви, рақамлаштириш, саноатдаги технологик инқилоблар даврида замон талабларига мос малака ва қўникмаларга эга рақобатбардош ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш профессионал таълим тизимининг устивор вазифасига айланди. Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган илм-фан тараққиёти ютуқларини таълим амалиётига кенг жорий этиш, узлуксиз таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви, ўқувчиларнинг қобилияtlари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувнинг жорий этилиши, ҳамда таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларининг татбиқ этилиши, ўқув-тарбия жараёнининг дидактик жиҳатдан таъминланишига асос бўлмоқда. Шу нуқтаи-назардан фан ва техника соҳасида амалга оширилаётган инновацион ғояларни касб-ҳунар таълими тизими мазмунига сингдириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, муҳтарам Президентимиз Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганларидек “Мамлакатимиз ва жамиятимизнинг замон талаблари даражасида ривожланишини илм-фансиз тасаввур қилиш қийин. Илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади, келгуси амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилади”. Шу нуқтаи назардан меҳнат бозорини ривожлантириш, мураккаб технологияларни ўзлаштириш, аҳолининг касбий таркибини тубдан ўзгартириш имконини бермоқда. Бунинг натижасида ижтимоий меҳнатнинг ҳам характеристи ўзгарди, у қўпроқ ақлий характер касб эта бошлади, айнан ушбу объектив реаллик шахснинг иқтисодий-ижтимоий фаолиятини ўзгартиради, унинг моддий техник ва ташкилий негизини ривожлантиради. Таълим мазмуни негизини касбий билимлар ҳисобига муваффақиятли янгилаш имкониятларини излаш, унинг барқарорлигини таъминлаш, ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибаларини ошириш натижасида таълимнинг сифатини таъминлаш мумкин. Бу эса ўрта бўғин мутахассисларининг касбий малакаларини ошириш имконини беради.

Янги профессионал таълим тизимида таълим жараёнини мазмунини инновацион ва креатив ёндашишга, яратувчанликка, ўқувчиларни интеллектуал-маънавий



ривожлантириш каби компетенцияларни шакллантириш методологиясини яратишга қаратилганлиги билан характерлидир. Яъни ушбу жараёнда ўқувчиларни янги ўқув материалини ўрганиш ва мустаҳкамлаш, янги билимлар ва ахборотларни ўзлаштиришга тайёрлаш, турли манбалардан мавзуга оид маълумотларни излаб топиш, ўзлаштирилган янги билимларни мустаҳкамлаш, ҳосил бўлган билим, кўникма ва малакалар дастлабки текшириш каби таркибий қисмларнинг шаклланишига асос бўлади. Ўзлаштирилган янги билимларни дастлабки назорат қилиш вазияти педагогик технология талабларига мувофиқ тарзда ташкил этилади. Ўқув жараёнининг иккинчи босқичи унинг дастлабки босқичда тўпланган ахборотларга ишлов бериш билан тавсифланади. Ахборотларга ишлов бериш жараёнида ўрганилган мавзу доирасида ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимлари аниқланади. Шу жиҳатдан қараганда, ахборотларга ишлов бериш жараёнида ўқувчиларнинг ижодий-амалий ишларини ташкил этиш имкониятлари кенгdir.

Ўзлаштирилган ахборотларга ишлов бериш даврида ўқувчиларнинг уч хил ўзаро алоқадор ўқув мақсадлари амалга оширилади:

- а) ўзлаштирилган ахборотларни эсга тушириш;
- б) мазкур ахборотларни ўқув- амалий фаолиятга татбиқ этиш;
- в) ўзлаштирилган билимлар ва амалий фаолият натижаларига асосланган касбий компетенцияларнинг шаклланганлиги билан характерланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалиши натижасида меҳнат бозорида кадрлар малакасига бўлган талаблар ўзгарди, бу эса ўрта бўғин мутахассисларининг касбий малакаларини доимий ошириш бориши талабини келтириб чиқарди. Меҳнат бозорининг замонавий талаблари асосида ўрта бўғин мутахассисларни тайёрлаш профессионал таълим тизимининг асосий ва устивор вазифаси бўлиб қолаверади.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

- 1.Ш.Мирзиёев “Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили”. Халқ сўзи газетаси, 2016 йил 31 декабрь, №259(6694)
- 2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 466-сон қарори.